



Инсон Салоҳияти Билан Боғлиқ Иқтисодий Категориялар Ва Уларнинг Назарий Масалалари (2-Мақола)

Пардаев Мамаюнус Қаршибаевич

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, и.ф.д.

Тел. ва телеграм: +998 (97) 7930048

Дилмонов Қудратжон Бахтиёрович

Бухора давлат университети катта ўқитувчиси, мустақил изланувчи

Тел. ва телеграм: +998 (93) 6256804

Аннотация: мақолада инсон салоҳияти билан боғлиқ иқтисодий категориялар ва уларнинг назарий масалалари қараб чиқилган. Шунингдек, инсон салоҳияти билан боғлиқ бўлган иқтисодий категорияларнинг хусусан, инсон салоҳияти, инсон капитали, меҳнат салоҳияти, кадрлар салоҳияти, шахс салоҳияти каби тушунчаларнинг мазмунига алоҳида аҳамият берилган. Мақолада ушбу категорияларни аниқлаш усулларига ҳам тўхталиб, уларнинг формулалари ишлаб чиқилган ҳолда уларнинг бир-биридан фарқли жиҳатлари ҳам очиқ берилган.

Калит сўзлар: инсон салоҳияти, инсон капитали, меҳнат салоҳияти, кадрлар салоҳияти, шахс салоҳияти, таълим сифати, шахснинг тажрибаси.

Экономические Категории Связанных С Человеческим Потенциалом И Их Теоретические Вопросы

Пардаев Мамаюнус Қаршибаевич

Дилмонов Қудрат Бахтиёрович

Аннотация: в статье рассматриваются экономические категории, связанные с человеческим потенциалом, и их теоретические вопросы. Также особое значение придается содержанию экономических категорий, связанных с человеческим потенциалом, таких как человеческий потенциал, человеческий капитал, трудовой потенциал, кадровый потенциал, индивидуальный потенциал. Также в статье затрагиваются способы определения этих категорий, разрабатываются их формулы, выявляются различия.

Ключевые слова: человеческий потенциал, человеческий капитал, трудовой потенциал, кадровый потенциал, личностный потенциал, качество образования, личный опыт.

Economic Categories Related To Human Potential And Their Theoretical Questions



**Pardaev Mamaynus Karshibaevich
Dilmonov Kudrat Bakhtiyorovich**

Abstract: the article discusses economic categories related to human potential and their theoretical issues. Also, special importance is attached to the content of economic categories related to human potential, such as human potential, human capital, labor potential, personnel potential, individual potential. The article also touches on ways to define these categories, develops their formulas, and identifies differences.

Key words: human potential, human capital, labor potential, personnel potential, personal potential, quality of education, personal experience

Кириш. Мавзунинг долзарблиги. Инсон салоҳиятининг мазмунини аниқ тушуниш учун у билан боғлиқ иқтисодий-ижтимоий категорияларнинг ҳам мазмунини очиб беришни тақозо қилади. Шу нуқтаи назардан, инсон капитали, меҳнат салоҳияти, кадрлар салоҳияти, шахс салоҳияти, шахснинг тажрибаси каби категорияларнинг мазмунига тўхталишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Инсон салоҳияти билан боғлиқ навбатдаги иқтисодий категориялардан бири инсон капиталидир. Бу категориянинг тушунчасининг мазмунини очиб бериш учун уни ифодаловчи кўрсаткичларга эътиборни қаратамиз. **Инсон капитали** (Ик)нинг биринчи хусусияти – бир шахс ёки ходим доирасида эмас, жамоа миқёсида ҳам баҳолашни билан изоҳланади. Ушбу кўрсаткичнинг ҳажми қуйидагича аниқланади:

$$I_k = A_{бд} + A_T + A_c + X_{и} + M_э;$$

Бунда: $A_{бд}$ – аҳолининг билимлилик даражаси (соҳага оид олий маълумотли мутахассисларнинг умумий ходимлардаги улуши);

A_T – аҳолининг (корхонада фаолият кўрсатаётган ходимларнинг) тажрибаси;

A_c – аҳолининг саломатлик даражаси;

$X_{и}$ – ходимларнинг (худуд ва мамлакат миқёсидаги аҳолининг) интизомлилик даражаси (коррупцияга йўл қўйилмаганлик даражаси);

$M_э$ – ходимларнинг маънавий етуклиги.

Кўриниб турибдики, инсон капиталига жамоа мисолида қарайдиган бўлсак, биринчи галда аҳолининг билимлилик даражаси (соҳага оид олий маълумотли мутахассисларнинг умумий ходимлардаги улуши) олинади. Шунини таъкидлаш жоизки, барча банд ходимларда олий маълумотли кишилар кўп бўлиши мумкин, аммо улар соҳага оид мутахассисликларга эга бўлиши керак. Шу туфайли, умумий олий маълумотли кишилар билан бирга айнан қанча қисми ушбу соҳага оид мутахассисликларга эгаллигига ҳам эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Инсон капиталининг яна бир жиҳати аҳолининг (корхонада фаолият кўрсатаётган ходимларнинг) иш тажрибасига ҳам боғлиқ. Чунки бир киши олий маълумотли бўлиб, ҳали тажрибага эга бўлмаса, тажрибали мутахассиснинг қилган ишини қила олмаслиги мумкин. Шу туфайли салоҳиятли инсонларда тажриба ва кўникмалар ҳам шаклланган бўлиши керак. Одатда камида уч йил фаолият кўрсатган ходимлар тажрибали ходимлар бўлиб ҳисобланади.

Одатда зўр мутахассис бўла туриб, унинг саломатлиги етарли бўлмаса ҳам ундан самарали натижа кутиб бўлмайди. Шу туфайли инсон капиталини баҳолашда аҳолининг саломатлик даражаси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда асосий эътибор инсон саломатлигига қаратилмоқда. Зеро, саломатлик нафақат ишлаб чиқариш ёки иқтисодит соҳаси учун, балки бутун ҳаётимиз учун муҳим кўрсаткич бўлиб ҳисобланади.



Мамлакатимизда саломатликни асрашга ва турли касалликларнинг олдини олишга бежиз катта аҳамият берилмаяпти.

Инсон капитални ифодаловчи яна бир муҳим кўрсаткич ходимларнинг (худуд ва мамлакат миқёсидаги аҳолининг) интизомлилиқ даражаси ҳисобланади. Интизомга амал қилиш ҳар бир ходимнинг ҳаётининг принципига айланган бўлиши лозимлигини тақозо қилади. Адолат бор жойда интизом бўлади, интизом бор жойда турли коррупция ҳолатларига йўл қўйилмайди. Ҳар бир инсонда интизомни бузиш қонунга хилоф, Аллоҳга ва жамиятга хиёнат деб қабул қилишлари лозим.

Инсон капитални баҳолаганда иқтисодий кўрсаткичлар билан бирга ходимларнинг маънавий етуқлигини ҳам инобатга олиш мақсадга мувофиқ. Маънавий етук инсон жамоасига, халқига хиёнат қилмайди. Инсоннинг бу фазилати ҳам унинг такомиллашганлигидан далолат беради. Одамларнинг салоҳиятлилиги маънавий оламининг кенглиги, яъни иймон-эътиқодининг мустаҳкамлиги, интизомлилиги, бировларга хиёнат қилмаслиги, турли алдов йўллар билан ўз манфаати учун одамларни чалғитмасликлари каби жиҳатларни ўз ичига олади. Бундай инсонлар етук инсон капитални даражасига кўтарилган инсонлар ҳисобланади.

Инсон салоҳияти билан боғлиқ иқтисодий категориялардан яна бири **меҳнат салоҳияти** (M_c) ҳисобланади. Буни соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, инсонларнинг фақат меҳнат қилиш қобилиятини ўз ичига олади. Ушбу категория қуйидагича аниқланади:

$$M_c = M_{ка} + I_{п} + I_{ўс} + I_{н};$$

Бунда: $M_{ка}$ – меҳнат ёшидаги меҳнатга қобилиятли ногиронлиги бўлмаган аҳоли;

$I_{п}$ – расман меҳнат қилаётган пенсионерлар;

$I_{ўс}$ – расман меҳнат қилаётган вояга етмаган ёшлар (ўсмирлар);

$I_{н}$ – ишлаш имкониятига эга бўлган фаолият кўрсатаётган ногирон аҳоли қисми.

Инсоннинг меҳнат салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири меҳнат ёшидаги (эркаклар 18-60 ёш, аёллар 18-55 ёш) меҳнатга қобилиятли ногиронлиги бўлмаган фаолият кўрсатишга қодир бўлган аҳоли киради. Пенсионерлар меҳнат салоҳияти рўйхатидан чиқарилган бўлади. Аммо бир қисм пенсионерлар расман меҳнат қилаётган бўлса, булар ҳам меҳнат салоҳиятига киради. Шунингдек, расман меҳнат қилаётган вояга етмаган (18 ёшга кирмаган) ёшлар (ўсмирлар) ҳам меҳнат салоҳиятининг бир кўриниши бўлиб ҳисобланади. Одатда ногирон аҳоли давлат томонидан маълум миқдорда таъминланган бўлиб, улардан ишлаш талаб қилинмайди. Улар ишламаса ҳам бўлади. Аммо ишлаш имкониятига эга бўлган фаолият кўрсатаётган ногирон аҳолининг бир қисми бевосита фаолият билан шуғулланиб, меҳнат салоҳияти рўйхатига киритилади. Давлат, худуд, маҳалла, оила каби бўлинмаларда меҳнат салоҳияти айнан юқоридагилардан таркиб топади. Шу туфайли уларни иш билан таъминлаш ҳар бир худуд раҳбарининг муҳим вазифаларидан биридир.

Бугунги кунда **кадрлар салоҳияти** (K_c), деган тушунча ҳам кўп қўлланилади. Ушбу категория ҳам бир қанча кўрсаткичлардан таркиб топган бўлиб, бунинг ҳажми қуйидагича аниқланади:

$$K_c = K_{бд} + K_{т} + K_{с};$$

Бунда: $K_{бд}$ – мутахассис кадрларнинг билимлилик даражаси;

$K_{т}$ – кадрларнинг тажрибалик даражаси;

$K_{с}$ – кадрларнинг саломатлилиқ даражаси.



Ушбу категория ҳам бир қанча кўрсаткичларни қамраб олади. Булар таркибига раҳбарлар, яъни ишни бошқарувчилар ва мутахассислар киради. Корхона ёки меҳнат жамоасининг фаолияти бевосита мутахассис кадрларнинг билимлилик даражасига боғлиқ бўлади. Шу туфайли ушбу кўрсаткич кадрлар салоҳиятининг асосини ташкил қилади. Ишнинг самарадорлиги бевосита кадрларнинг тажрибасига ҳам боғлиқдир. Шу туфайли ушбу кўрсаткичнинг бир йўналиши кадрларнинг тажрибалик даражаси олинади. Юқорида таъкидланганидек, кадрларнинг саломатлилик даражаси ҳам ишнинг самарали яқунланиши учун муҳим аҳамиятга эга. Шу тариқа кадрлар салоҳияти ҳам бир қанча кўрсаткичлар асосида шаклланади.

Худди шунга ўхшаш кўрсаткичлардан бири **шахс салоҳияти** ($Ш_c$), бўлиб ҳисобланади. Бунда битта шахс кўзда тутилади. Ушбу кўрсаткич қуйидагича аниқланади:

$$Ш_c = M_{кк} + X_{бд} + T_{аж};$$

Бунда: $M_{кк}$ – бир кишининг меҳнат қилиш қобилияти;

$X_{бд}$ – ходимнинг билим даражаси;

$T_{аж}$ – ходимнинг иш тажрибаси.

Ушбу категория ҳам бир кишининг меҳнат қилиш қобилиятида намоён бўлади. Бунда битта ўрганилаётган ходимнинг билим даражаси билан бирга ходимнинг иш тажрибаси ҳам киради. Ушбу формулалардан ҳам кўриниб турибдики, биз таҳлил қилаётган инсон салоҳияти билан боғлиқ категориялар таркиби бўйича ҳам фарқ қилар экан. Буларни назарий жиҳатдан тадқиқ қилганда ҳам, уни амалиётда фойдаланганда ҳам ушбу хусусиятларни инобатга олиш лозимлигини тақозо қилади.

Хулоса қилиб айтганда, инсон салоҳияти билан боғлиқ тушунчалар бир қанча бўлиб, бир-бирини тўлдириш билан бирга ҳар бирининг таркиби ҳам хусусиятлари ҳам турлича. Уларнинг ҳар бири бугунги Учинчи Ренесансни шакллантиришда ва Янги Ўзбекистонни барпо этишда муҳим аҳамиятга эга.

Адабиётлар рўйхати

1. Саидахроп Ғуломов, Мамаюнус Пардаев. Инсон ақлий слоҳияти билан кадрланиши керак. August 03, 2022 // <https://telegra.ph/Inson-a%D2%9Blij-salo%D2%B3iyati-bilan-%D2%9Badirlanishi-kerak-08-03>


2. Мавлуда Хўжаева, Шаҳноза Холмаҳмадова. Устувор мақсадимиз – инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароит яратиш! 08.06.2023, 16:19 // <https://uzlidep.uz/news-of-party/14453>.

3. Дилманов Қудратжон Бахтиёрович. Инсон салоҳиятининг ўзига хос хусусиятлари. 15 июль 2023. https://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/issue/view/70.

4. Dilmonov Qudrat Baxtiyorovich. Buxoro viloyatida aholining ish bilan bandliginita“minlashning hozirgi holati va tahlili. // “Erkin bozor mexanizmlarini joriy etish hamda sog’lom raqobat muhitini yaratish orqali hududlarda tadbirkorlikni rivojlantirish istiqbollari” mavzusida respublika miqyosidagi ilmiy-amaliy anjuman. ilmiy maqolalar va tezislar to’plami. 4 mart 2023 yil. https://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/10411/6761.

5. Меҳнат салоҳиятини сифат жиҳатдан такомиллаштиришда таълим тизимининг ўрни. <https://cyberleninka.ru/article/n/me-nat-salo-iyatini-sifat-zhi-atdan-takomillashtirishda-talim-tizimini-rni>

6. Хуршид Холмирзаев. Инсон салоҳияти: тузилиши ва ижтимоий моҳияти. <https://scienceweb.uz/publication/2212>.



7. Фарида Юлдашева. Ўзбекистонда маънавий янгилашниш жараёнида инсон маънавий салоҳиятининг роли.// https://www.oriens.uz/media/conferencearticles/79_%D0%A4%D0%B0%D1%80%D0%B8%D0%B4%D0%B0_%D0%AE%D0%BB%D0%B4%D0%B0%D1%88%D0%B5%D0%B2%D0%B0_677-688.pdf